



НАЗАРИЙ ВА АМЛИЙ СЕМИНАРЛАР МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ГАРОВИДИР

Ризаева Хусния Убаевна

*Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим педагогика ва
психология кафедраси ўқитувчиси п.ф.н. доцент в.б.*

Рахимбергана Муножат Музаффар қизи

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети магистранти*

Аннотация: Ушбу мақолада мактабгача таълим ташкилотидида ўтказиладиган назарий ҳамда амалий семинарлар ва уларни ташкил этиш йўллари ҳамда самараси ҳақида бўлиб, мақола орқали мактабгача таълим ташкилоти методистлари учун тавсия сифатида берилган.

Калит сўзлар: рахбар, методист, фаол, илмий салоҳиятли, мактабгача, тарбиячи, мутахассис, назария, амалиёт, семинар, маҳорат, натижа, янгилик.

Семинар - ўзи нима? Семинар лотинча сўз бўлиб - уни билимлар майдони дейиш мумкин. У интерфаол таълим бериш усули. Семинарлар асосида муаммо бўлаётган мавзу чуқур таҳлил қилинади. Ҳар бир семинар педагоглар олдида аниқ мақсад ва вазифаларни қўяди. Семинар билим олиш, бор билимини мустаҳкамлаш, янгиликлардан бохабар бўлиш, мавжуд билимларини ўзгалар билан баҳам кўриш демакдир. Семинарлар 2 хил бўлади. Назарий семинарлар, амалий семинарлар. Мактабгача таълим ташкилоти бирон методик тадбирни ўтказишдан олдин мақсадларни аниқлаштиришдан бошлади. Яъни “Бу тадбирни ўтказишдан нимага эришилади?”, “Натижа қандай бўлиши керак?”, “Педагоглар фаолиятида нималар ўзгаради?” Айнан мана шу саволларга ўтказиладиган семинар орқали жавоб топилса педагоглар фаолашади. Таълим ташкилотидида семинарлар қисқа вақт ва куч билан юқори натижаларга эришишга ёрдам бериш учун мўлжалланган. Бу борада семинарни шундай ташкил этиш керакки, ҳар бир педагог ўз қобилиятини намоён эта олиши, педагогик малакасини оширишига ёрдам берадиган янги билим, кўникма ва малакага эга бўлиши, ўз навбатида таълим бериш ва тарбиялаш самарадорлигини оширишга олиб келади.

Мактабгача таълим ташкилотларининг йиллик иш режасида камида иккита семинар режалаштирилади. Ушбу семинарларнинг бири мавзу



асосида назарий билим берса, иккинчиси назарий билимлар асосида амалий жараён тарзида ташкил этилади. Бу билан семинарлар сони чегараланиб қолмайди, балки таълим ташкилотида самарадорликни янада оширишга қаратилган қўшимча семинарлар ҳам ўтказиш мумкин.

Семинарларга мавзулар қаердан олинади? Мавзулар меъёрий хужжатларни ўрганишдан келиб чиқиши мумкин, мактабгача таълим ташкилотида оқсаётган йўналишларда, соҳага тегишли фармон, фармойиш, қарорларни ўрганиш, янги лойихалар асосида тажриба-синов майдон-часидаги фаолиятлар асосида бўлиши мумкин.

Семинардан кутиладиган натижалар: педагогларнинг ижодий қобилиятлари ўсади, касбга бўлган қизиқишларини ошади, янги билимлар олинади, мавжуд билимлар мустаҳкамланади. Юқорида семинар бирон мавзунини чуқур ўзлаштиришга қартилган бўлади деб айтдик. Масалан мактабгача таълим ташкилотида ўйин мавзусини оқсайди. Тарбиячиларингиз иш фаолиятида ўйиндан кам фойдаланадилар. Демак ушбу муаммони семинар мавзусининг сифатида олишингиз мумкин. Энг аввало ўйин фаолиятидан фойдаланмасликнинг сабаб ва омилларини қидиринг. Омиллар нима бўлиши мумкин? улар - тарбиячиларда ўйин ҳақида тўлиқ тушунчанинг йўқлиги, гуруҳ хонасида ўйиндан фойдаланиш учун шароитнинг йўқлиги, ўйинларни қўйиш учун шкафлар муаммоси, ўйин сотиб олиш учун маблағнинг йўқлиги ва хаказолар.

Мана шу муаммоларни ҳал этиш йўллари семинар жараёнида ахтарамиз ва назарий билимлар берамиз. Яъни ўйиннинг ўзи нима эканлиги, унинг турлари, мақсад ва моҳияти, тарбиявий аҳамияти, ўйинлар тайёрланган материаллари ҳақида маълумот бериш лозим. Ақлий хужужмлар орқали ўйин турларини билиб олиш, мақсад ва моҳиятини гуруҳларда ишлаш орқали аниқлаштириш, қисқа муддат ичида ўйин яратиш оқали уларни ўйинга ошно қилиш керак. Назарий семинарда олганларини 1 ой ичида чуқур ўзлаштириш учун тавсиялар бериш. Кейинги амалий семинарда қурра ташлаш йўли билан тайёрланадиган ўйинларни танлаш жараёнини ташкил этиш. Қуррага таълимий ўйинлар, ривожлантирувчи ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар, кам ҳаракатли ўйинлар, стол устида ўйналадиган ўйинлар, сюжетли ролли ўйинларни киргазинг

Амалий семинар кунини белгиланг ва педагоглар томонидан тайёрланган ўйинлар тақдиротини ўтказинг. Ҳар бир педагог ўзи тайёрлаган ўйинларнинг мақсади, боришини тушунтириб берсин, керак бўлса ўйнаб берсин.



Такдимотлар жараёнида тарбиячилар ўзлари тайёрлаган ўйиннинг қадрини биладилар ва уларда ўйинлар яратишга қизиқиш пайо бўлади.

Қизиқишларни танловларга айлантинг. Ҳар 3 ойда битта ўйин танловини ўтказинг, эндиги гал ота-оналарга келади. Уларни ҳам қизиқтиринг ва ўйинлар танловини ўтказинг. Кузатув кенгаши билан совғалар тайёрланг. Қарабсизки йил давомида ота-оналар, педагоглар томонидан ўйинлар мажмуаси кўпаяди, Мавзули назорат олинг унда гуруҳлардаги ўйин бурчаклари ҳамда марказларни ўйинлар билан бойитилганини ва улардан фойдаланиш аҳволини ўрганинг, ўрганиш натижаларини педагогик кенгашга муҳокамага олиб чиқинг. Кенгаш қарори билан кимларнидир жазолаш, кимларнидир мукофотлаш кераклигини аниқланг ва бажаринг.

Шундай қилиб ўқув йили давомида ўйин мавзусида назарий семинар бердингиз, амалий семинар ташкил этдингиз, педагоглар томонидан ўйинлар яратдингиз, натижада марказларда ўйинлар кўпайди, болалар ўйинларни ўйнашни бошлашди, ота-оналарда ўйинлар ҳақидаги тушунчалар кенгайди, уларни таълим жараёнига олиб кирилди, мавзули назорат орқали марказлардаги фаолиятлар яхшиланди, педагогик кенгашга мавзу бўлди, кимларни рағбатлантирилди, кимлар жазоланди. Ўйин жараёнинг кейинги йилларда ҳам шундай назорат қилиб борасиз. Илғор иш тажрибалар аниқланса ўрганасиз.

Мактабгача таълим ташкилотида ўтказиладиган семинарларга мактабгача таълим ташкилоти раҳбари ёки ташкилот методисти раҳбарлик қилади. Семинарларда :”Тарбиячи ўз касбининг устаси”, “ Ривожланиш хариталари ва болаларни билим,малака,кўникмалари”, “МТТ педагогларининг компетентлиги”, “Янги лойихалар, самарадорлик гарови”, “Таълим, мулоқот ва ҳамкорлик”, “Сифатли таълим –замонавий технологиялар асосида”, “Ота-оналар билан ҳамкорлик ”, “Болалар ижодкорлигини ўстиришда тасвирий фаолият машғулотида ноанъанавий усулларни қўллаш” каби мавзуларни режалаштириш мумкин. Семинарнинг мавзулари педагогларни янги қирраларини очишга имконият беради ва таълим ташкилотида самарадорлик ва кадрлар салоҳияти ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ubayevna, R. X. (2023). BATAREYKALAR VA ULARNING BOLA HAYOTIDAGI SALBIY TA'SIRI. Лучшие интеллектуальные исследования, 7(1), 83-88.



2. Ризаева, Х. У., & Искандаров, Н. Р. (2023). МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА МЕХНАТ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Лучшие интеллектуальные исследования*, 7(1), 89-98.
3. Rizayeva, X. (2022). МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARDA MILLIY QADRIYAT TUSHUNCHALARINI SHAKLLANTIRISHDA OILA VA MAHALLANING ROLI. *Science and innovation*, 1(B8), 2165-2168.
4. Rizayeva, X. U. (2022). МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМ TASHKILOTLARINING KUNDALIK TA'LIMIY FAOLIYATI DAVOMIDA MILLIY QADRIYAT TUSHUNCHALARINI BOLA ONGIGA SINGDIRILISH DARAJASI. THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY, 1(4), 129-134.
5. Расулхожаева, М. А. (2012). Роль воспитателей в формировании нравственных качеств у детей старшего дошкольного возраста посредством знакомства с животным миром. *Молодой ученый*, (7), 314-316.
6. Расулходжаева, М. А. (2022). КОММУНИКАТИВНАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПЕДАГОГА ДОШКОЛЬНОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ. *Национальная ассоциация ученых*, (80), 30-32.
7. Rasulkhujayeva, M. A. (2019). Educator's Role in Forming Moral Qualities Senior Preschool Age Children by Introducing Animal World. *Eastern European Scientific Journal*, (1).
8. Ширбачеева, Г. Ш. (2020). Качество работы дошкольной образовательной организации зависит от руководителя. *Управление дошкольным образовательным учреждением*, (2), 46-51.
9. Ширбачеева, Г. Ш. (2021). УПРАВЛЕНЧЕСКАЯ ФУНКЦИЯ РУКОВОДИТЕЛЯ ДОШКОЛЬНОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ В СФЕРЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ АДАПТАЦИИ НАЧИНАЮЩИХ ПЕДАГОГОВ. In *Современная наука. XXI век: научный, культурный, ИТ контекст* (pp. 303-308).
10. Ширбачеева, Г. Ш. (2019). К проблеме качества образования в дошкольном учреждении. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILISOPHY, PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY* (pp. 33-39).
11. Ширбачеева, Г. Ш., & Халилова, Г. В. (2020). Педагогическое мастерство воспитателя. *Управление дошкольным образовательным учреждением*, (5), 74-79.
12. Ширбачеева, Г. Ш. (2019). Роль руководителя в адаптации новых сотрудников дошкольного образовательного учреждения. In *Актуальные проблемы современного образования: опыт и инновации* (pp. 88-89).